

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"

№ ВМ-343-53402-3.20

"1" июль 2003 й.

"ТАСДИҚЛАНДИ"

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги

"8" июль 2003 й.

**СТРАТЕГИК МЕНЕЖМЕНТ
фанидан
ДАСТУР**

Олий таълимнинг 340000 - "Бизнес ва бошқарув"

таълим соҳасидаги 5340200 - "Менежмент"

бакалавриат йўналиши учун

Тошкент - 2003

Тузувчилар: доц. Тўлаганова Ш. Г.,
доц. Собиржонова Д. К.

Такризчилар: проф. Зайнутдинов Ш.,
доц. Ибрагимов П.

Мазкур ўқув дастури иқтисодий йўналишлардаги Олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган.

Иқтисодиётни яхшилаш учун ишлаб чиқариш корхоналарида ишлайдиган мутахассислар менежмент стратегияси масалаларига оқилона ёндаша олишлари керак.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида барча фаолият турларида чиққан доираларида стратегик менежментга катта аҳамият беришдан келиб чиққан ҳолда ушбу ўқув дастурида менежмент стратегиясига оид назарий масалалар кўриб чиқилган.

Мазкур ўқув дастуридаги маъруза матнлари талабаларга менежмент стратегияси билан боғлиқ масалаларни ечиш учун зарур назарий йўналишларини ўзлаштириб олишга ёрдам беради.

Данная учебная программа предназначена для студентов экономических вузов.

Специалисты работающие на производстве и предприятиях в экономической сфере должны хорошо ориентироваться в вопросах стратегического менеджмента.

В настоящее время в условиях рыночной экономики стратегическому менеджменту уделяется большое значение во всех сферах деятельности. В темах данного курса рассмотрены теоретические вопросы, касающиеся стратегического менеджмента.

Данный курс лекции, предусмотренный программой поможет студентам освоить основные теоретические аспекты необходимые для решения проблем связанных с стратегическим менеджментом.

The experts working on manufacture and enterprises in economic sphere should be well guided in questions of management.

Now in conditions of market economy the large value in all spheres of activity is given to management. In subjects of the given rate the theoretical questions concerning management are considered.

The given rate of lectures stipulated by the program will help the students to master the basic theoretical aspects necessary for the decision of problems connected with management.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси ўзининг бозор иқтисодиётига ўтиш йўлини танлаб олган. Шу сабабли республикада бозор муносабатлари йилдан-йилга, қадам-бақадам ривожланиб бормоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш учун етарли шарт-шароитларни яратишга қаратилган иқтисодий, ташкилий, сиёсий, ҳуқуқий тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Натижада бозор инфраструктураси жадал суръатлар билан ривожланиб бораёпти.

Бозор иқтисодиёти даврида корхоналарнинг ички ва ташқи фаолият шароитининг мутассил ўзгариб бориши, бозор муносабатларига ўтиш шарт-шароитларини ва унинг ўзига хос хусусиятларини атрофлича ўрганишни тақазо этади.

Шунинг учун олим ва мутахассисларнинг менежмент назарияси ва амалиётига, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, янги хизмат турларини излаш ва такомиллаштириш йўллари ҳамда усулларига қизиқиши тобора ортиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Пировард мақсадда бозорни, тайин бир истеъмолчини кўзлаш, рақиблар ва рақобат усулларини пухта ўрганиш, ютуқ ва барқарорлик гарови бўлиб ҳисобланади. Бозор талабини яхши билиш, корхоналарда маҳсулот ва хизмат турларини кўпайтиришни режалаштириш, янги товарларни лойиҳалаш ва яратишни, мижозлар ҳамда ҳаридорлар талабига мувофиқ равишда иш юритиш имконини беради.

Стратегик менежмент-истеъмолчиларнинг ҳозир ва келажакда талабларини қондиришга қаратилган товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш, сотиш ва натижада фойда олиш билан боғлиқ фаолият туридир. Стратегик менежментда асосий эътибор унинг мақсадли йўналишга эгаллиги ҳисобланади, яъни янги тадқиқотларни жами йўналишларнинг ягона технологик жараёнига бирлашуви ҳам унинг ўзига хос хусусиятидир.

Ҳар бир корхона ташқи омиллар ҳамма хўжалик фаолияти табиатини ҳисобга олган ҳолда, ўзига мос менежмент стратегияси ва дастурини ишлаб чиқади ва амалга оширади, чунки энг асосий мақсад товарлар ва хизматларни қаерда, кимга,

кандай қилиб сотиш муаммосини ҳал қилиш бўлса, бу бозор иқтисодиёти шароитида ривожланган мамлакатларда ҳам мураккаб ва серқиррали фаолият ҳисобланади. Бу масалаларни комплекс тарзда ечиш йўлларини стратегик менежмент фани ўргатади.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари, бошқа фанлар билан боғлиқлиги

"Стратегик менежмент" фанини ўқитишдан мақсад талабаларда бошқариш муаммоларига қизиқиш уйғотиш, амалий ташкилотчилик фаолиятига иштиёқ туғдиришдир. Чунки ҳозир бошқариш асосларини ўрганаётган талабалар келгусида бошқариш тизимининг ходимлари, кичик ва ўрта, катта жамоаларнинг раҳбарлари, корхона ҳамда фирмаларни иқтисодий, ижтимоий, ташкилий-техник фаолиятининг турли соҳаларини бошқариш бўйича лойиҳалар, тадбирлар ишлаб чиқувчилар бўлиб етишадилар. Бошқариш тизимини такомиллаштириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш ҳам уларнинг зиммасига тушади.

Стратегик менежмент жамиятнинг иқтисодий негизи билан ўзаро боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш лозим, бунда бошқаришнинг икки томони ҳисобга олинади: ташкилий-иқтисодий ва техник-иқтисодий.

Стратегик менежментнинг асоси унинг объектив иқтисодий, ижтимоий ва бошқа қонунларга таянган асл илмийлигидир. Бу қонунларни маълум шароитларда ўқиб ва ўрганиб, хўжалик раҳбарлари Республика халқ хўжалигини бошқаришнинг стратегияси ва тактикасини аниқлайди.

Стратегик менежментнинг давлат миқёсидаги энг пировард мақсади бўлиб, кучли демократик ҳуқуқий давлат ва барқарор бозор иқтисодиётига асосланган ижтимоий йўналтирилган жамият куришдир.

Иқтисодий ислохотларни олға суриш, иқтисодни умумжаҳон хўжалигига кириб бориши учун, бошқарув муносабатлари механизмини мукамал билиш керак.

"Стратегик менежмент" фани бошқарув муносабатлари концепцияси, бошқариш асосида қарорлар қабул қилиш ва уни назорат қилишни ўргатади.

Талабаларга тавсия қилинган бу фанининг мақсади менежмент тушунчасининг асосий ғояларини етказиб бериш ва "Бизнес ва бошқарув" таълим соҳаси бўйича тайёрланадиган бакалавр кадрларга иқтисодий муносабатларда бошқарув сир – асрорларини ўргатиш, уни таҳлил қилиш ва келиб чиққан муаммоларни тўғри еча билиш йўлларини ўргатишдан иборатдир.

"Стратегик менежмент" фани бошқариш тўғрисидаги билимлар мажмуасидир. У "Ижтимоий иқтисодий", "Ҳуқуқий", "Ахборот технологиялари", "Олий математика", "Маркетинг" ва бошқа фанлар билан алоқадордир.

"Стратегик менежмент" даставвал "Иқтисодий назария", "Молия менежменти", "Банк менежменти", "Бошқарув ва молия ҳисоби" каби фанлар билан боғлиқдир. Шунингдек "Бошқариш" фани билан "Ҳуқуқ" фанлари ўртасидаги муайян муносабатлар мавжуд.

Мазкур фанни ўргатиш вазифалари

- талабага фаолиятни ташкил қилиш ва бошқариш асосларини ўргатишдир;
- қарорларни тўғри қабул қилишга доир назарий ва амалий кўникмаларни шакллантириш;
- менежерларни танлаш ва тайёрлашда зарур бўлган умумий билимлар бериш;
- халқаро иқтисодий муносабатлардаги менежментнинг илмий назариялари асосида Ўзбекистондаги ташқи ва ички бозор фаолиятини бошқариш тизими хусусиятларини ўргатиш;
- халқаро бозор иқтисодиёти муносабатларида бошқарувнинг ташкилий асосларини ўргатиш;
- менежмент услублари асосида бошқарув фаолиятини тартибга солиш.

Фанни ўқитиш бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

- талабалар фанни ўрганиш жараёнига ҳар бир ўтилган мавзу бўйича белгиланган миқдордаги рейтинг балларини тўплашлари, фаннинг "таянч" ибораларини чуқур ўзлаштиришлари, тест саволлари асосида ўз билимларини синаб боришлари лозим;
- мустақил иш сифатида рефератлар тайёрлашлари, фанга оид чизмалар ва жадваллар тайёрлаш лозим;
- фанни ўзлаштириш натижасида "Бизнес ва бошқарув" таълим соҳасида бўлғуси бакалавр бошқарув фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш усулларини мукамал эгаллашлари лозим.

Семинар машғулоти бўйича бажариладиган ишлар миқдорига минимал талаблар

Семинар машғулоти мавзулари намунавий дастур асосида белгиланиб, ҳар бир мавзуга киритилган саволлар ва тавсия қилинган адабиётлар рўйхати билан бирга алоҳида услубий қўлланма шаклида кўпайтирилади. Семинар режасидаги саволлар дастур доирасида тузилиб, маърузада баён қилинадиган масалалар билан мазмунан бир хил бўлсада, шаклан уларни такрорламайди.

Аудитория машғулоту турларининг соатлар ҳажми

Олий таълимнинг давлат стандартларида мазкур курсга 114, шу жумладан: 38 - маъруза, 38 - амалий машғулотлар, 38 - мустақил таълим соатлари ажратилган.

Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари

Фан бўйича талабалар билимини баҳолаш рейтинг тизими асосида амалга оширилади. Ўқув режасида фанга ажратилган соат юкламасидан келиб чиқиб, аниқланадиган рейтинг баллари (76 балл) назоратнинг алоҳида турларига қуйидаги тартибда тақсимланади:

- жорий баҳолашга семинар машғулотларига ажратилган соат юкламасининг 70 фоизи (26,6 балл);
- оралиқ баҳолашга маъруза дарсларига ажратилган соат юкламасининг 70 фоизи (26,6 балл);
- якуний баҳолашга ўқув соатлар юкламасининг 30 фоизи (22,8 балл).

Жорий баҳолаш учун ажратиладиган рейтинг баллари талабаларнинг семинар дарсларидаги фаоллиги, илмий реферат тайёрлаганлиги ва бошқа режалаштирилган ишларни (мустақил иш бажариш, кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва ҳ.к) бажарганлиги учун қўйиб борилади.

Оралиқ баҳолашда талабаларнинг маъруза дарсларидаги фаоллиги ҳисобга олинади, ҳамда икки марта оралиқ назорат (ёзма иш, тест ёки назоратнинг бошқа тури) ўтказилиб уларга тегишли балл ажратилади.

Якуний баҳолаш баллари талабаларнинг таянч сўз ва иборалари бўйича бажарган ёзма иши учун қўйилади.

Компьютер, ахборот ва янги педагогик технологияларни қўллаш

"Стратегик менежмент" курсини ўқитишда илғор педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятлари қуйидагилардан иборат:

- фанни мазмунини кўрсатувчи кўргазмали альбомлардан фойдаланиш;
- маъруза матнидаги шаклий ва рақамли маълумотларни олдиндан тайёрлаб, талабаларга тарқатиш. Бу ўқитувчининг вақтини тежаб, талабаларни ортиқча ёзишдан озод қилади;
- тест саволларини тузиш;
- "таянч" иборалар ишлаб чиқиб, уларнинг талабалар томонидан мукамал ўзлаштиришни таъминлаш;

- айрим мавзулар бўйича маърузаларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолиятини бошқарадиган юқори ташкилотларнинг масъул ходимлари томонидан ўтишини таъминлаш;
- масофавий ўқитишни ташкил этиш бўйича компьютерда бажариладиган дастурлардан фойдаланиш;
- ёзилган айрим маърузаларни хорижий университетлар профессорлари томонидан ўқитилиб, телеэкран орқали намойиш этишга эришиш ва бошқалар.

ИНТЕРНЕТ тармоқларида мавжуд бўлган фанга тааллуқли сайтлар рўйхати:

1. <http://www.cer.uz>
2. <http://www.referat.ru>
3. <http://www.plekhanov.ru>
4. <http://www.litera.ru>

Иш дастурини тузишга оид услубий тавсиялар

"Стратегик менежмент" фани кундузги бўлим менежмент йўналиши 4-курс ўқув йили давомида ўқитилиб, оралиқ, жорий баҳолаш орқали бошқарилиб ўқув жараёнини охирида якуний баҳолаш билан тугалланади.

Улар маъруза дарслари, амалий машғулотларда ўз билимларини чуқурлаштирадilar. Талабаларнинг олган билим ва кўникмалари кейинги юқори курсларда ўтиладиган бошқа фанларни ўзлаштириш учун ҳам асос бўлди ва бу билимларни амалда қўллаш имконини беради.

Фанни ўрганишда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш тавсия этилади.

- Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари ва маърузаларида иқтисодий муносабатлар, жумладан бозор фаолиятига оид фикрлар, кўрсатмаларни тегишли мавзуларда ишлатиш;
- Талабаларни бозор фаолиятига тааллуқли янги қўлланмалар, билан таништириб бериш;
- Ҳар бир мавзу бўйича жадваллар ва чизмалар тайёрлаб улардан кўргазмали қурол сифатида фойдаланиш.

2. ФАН ДАСТУРИ

Стратегик менежмент концепцияси

Кризис шароитида фирмани ислоҳ қилишдан мақсади, тамойиллари ва йўналиши. Стратегик менежментнинг функция ва тамойиллари. Объектнинг самарадорлигини ва рақобатбардошлигини кўтарувчи асосий восита сифатида. Стратегик менежментнинг таркиби ва тизими. Товар даврини ривожланишининг бошқаруви.

Стратегик бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш услубий асослари

Стратегик бошқарув қарорлари. Сифат ва самарадорлигига қўйиладиган талаблар. Стратегик қарорларни сифат ва самарадорлигини оширишда иқтисодий ва ташкилий қонунларнинг роли. Стратегик қарорларни ишлаб чиқишда илмий ёндашув. Стратегик қарорларни таҳлилий асослари. Стратегик қарорларни башорат этиш асослари. Стратегик қарорларни иқтисодий асослаш.

Фирма ва товарнинг рақобатбардошлик сифати таҳлили

Рақобат ва рақобатбардошлик жамият ривожланишини ҳаракатлантирувчи асосий куч сифатида. Майкл Портернинг рақобат устунлиги назарияси. Эксклюзив қиймат асосида фирманинг рақобатбардошлик устунлиги объектларини шаклланиши. Турли объектларнинг рақобатбардошлик устунлиги омиллари. Объектларнинг рақобат устунлиги интеграл баҳолаш услуби. Рақобат устунлиги таҳлил қилишга ёрдамлашувчи услублар (SWOT, GAP, LOTS, PIMS, "Профиль", Mc Kinscy).

Турли объектларнинг рақобатбардошлигини баҳолаш услубий асослари

Ж.Ж.Ламбен услуби асосида фирманинг рақобатбардошлиги таҳлили. Рақобатбардошлик қобилиятини баҳолаш учун талаблар ва асосий маълумотлар. Персоналнинг рақобатбардошлигини баҳоловчи услуб. Бозор омиллари ва самарадорлик асосида товарнинг рақобатбардошлигини баҳоловчи услуб. 1111-5555 тизими бўйича товарнинг рақобатбардошлигини баҳолаш услуби. Фирманинг рақобатбардошлигини таҳлили ва уни баҳолаш услуби. Фирманинг барқарорлик фаолиятини баҳоланиши унинг келажакдаги рақобатбардошлик асоси.

Фирма стратегиясининг шаклланиши

Фирма стратегиясини шаклланишида стратегик менежмент асосий восита сифатида. Фирма шаклланишида турли ёндашувлар. Фирма стратегиясининг таркиби ва мазмуни. А.А.Томсон ва А. Дж қараши асосида фирма шароитига қараб

стратегия турлари. Фирма халқаро фаолияти стратегияси. Фирма стратегиясини ишлаб чиқиш технологияси. Фирма стратегиясини ишлаб чиқишдаги ресурс, ахборот ҳуқуқий ва услубий таъминланганлиги. Фирма стратегиясининг уяли ташкил этиш, ишлаб чиқиш ва бажарилиш услублари.

Сифатни ошириш стратегияси

Товар сифат кўрсаткичлари тизими. Бозорда товар сервис хизмати кўрсаткичлари сифат тизими. Товар сифатини оширишни башорат этиш стратегияси. Товар сифатини умумбошқарув концепцияси (TQM).

Нархни шакллантириш ва ресурс тежаш стратегияси

Нархни шакллантириш стратегияси. Товарнинг ресурс билан таъминланганлик кўрсаткичлари. Фирма фаолиятини самарадорлик кўрсаткичлари. Ресурсни тежаш омиллари. Ресурс тежамкорлик стратегиясини танлаш.

Фирманинг ташкилий-техник ва ижтимоий ривожланиш стратегияси

Ишлаб чиқариш ташкилий-техник даражасини таҳлили ва башорат этиш. Фирманинг техник ва ижтимоий сиёсатини шаклланиш асослари. Фирманинг ташкилий ва ишлаб чиқариш тизимини ривожланиши. Фирманинг янгиликлар ва инновация портфелини шаклланиши.

Ходимлар бошқаруви стратегиясининг такомиллашуви

Ходимлар бошқаруви тамойиллари. Шахснинг психологик портретининг таҳлили. Ходимларни бошқариш услублари. Меҳнатни ташкил қилишни такомиллашувига талабларнинг шаклланиши.

Фирма стратегиясини бажаришни ташкил этиш

Жараёнларни рационал ташкил этиш тамойиллари. Стратегияни бажарилиш ҳисоботи ва назорати. Стратегик натижаларга эришиш мотивацияси. Фирма стратегиясини шароитга қараб йўналтириш.

3. СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ МАВЗУСИ

Стратегик менежмент концепцияси

Кризис шароитида фирманинг ислоҳ қилишдан мақсади, тамойиллари ва йўналиши (ташкилот, корхона). Стратегик менежментнинг функция ва тамойиллари объектнинг самарадорлигини ва рақобатбардошлигини кўтарувчи асосий восита сифатида. Стратегик менежментнинг таркиби ва тизими. Товарнинг

хаёт даври. Товарнинг қайта ишлаб чиқариш даври. Товарнинг фойда келтириш даври.

Стратегик бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш услубий асослари

Бошқарув қарорларини таснифланиши. Бошқарув қарорларининг самарадорлик ва сифатини таъминловчи тартиблари ва параметрлари. Бошқарув қарорларини альтернатив вариантини таққослаш шароитини яратиш. Қарор қабул қилишда ноаниқлик ва таваккалчилик омилларини инобатга олиш. Стратегик қарорларни сифат ва самарадорлигини оширишда иқтисодий ва ташкилий қонунларнинг роли. Стратегик қарорларни ишлаб чиқишда илмий ёндашув. Стратегик қарорларни таҳлил қилиш асослари. Стратегик қарорларни башорат этиш асослари. Стратегик қарорларни иқтисодий асослаш.

Фирма ва товарларнинг рақобатбардошлик сифатини таҳлили

Фирманинг рақобатчиликдаги афзалликларини аниқлаш. Янги рақобатчиларнинг кириб келиш ҳавфи. Ўринбосар товарлар ҳавфи. Миждозлар томонидан тазйиқ ўтказиш. Таъминотчилар томонидан тазйиқ ўтказиш. Тоза ёки мукамал рақобат. Олигопол, монополистик ёки мукамаллашмаган рақобат. Монополия. Тажриба қонунини аниқлаш. Тажриба қонунини стратегик изланиши. Тажриба қонунини чегаралари. Рақобатчилик афзаллигининг матрицаси.

Рақобат ва рақобатбардошлик жамият ривожланишини ҳаракатлантирувчи асосий куч сифатида. Майкл Портернинг рақобат устунлиги назарияси. Эксклюзив қиймат асосида фирманинг рақобатбардошлик устунлиги объектларини шаклланиши. Турли объектларнинг рақобатбардошлик устунлиги омиллари. Объектларнинг рақобат устунлиги интеграл баҳолаш услуби. Рақобат устунлиги таҳлил қилишга ёрдамлашувчи услублар (SWOT, GAP, LOTS, PIMS, "Профиль", Mc Kinscy).

Турли объектларнинг рақобатбардошлигини баҳолаш услубий асослари

"Бозор улуши-ўсиш" матрицаси. "Жалб қилувчанлик-рақобатбардошлик" матрицаси. Фаолият йўналиши бўйича портфель таҳлилининг фойдали даражаси. Ҳаражатларда иқтисод қилиш ҳисобига лидерлик стратегияси. Дефференция стратегияси. Мутахассислик стратегияси. Стратегия асоси билан боғлиқ бўлган таваккалчилик. Интенсив ўсиш. Интеграцион стратегия. Диверсификация орқали ўсиш стратегияси. Лидерлик стратегияси. "Чақириқ ташловчи" стратегия. "Лидер кетидан юриш" стратегияси. Мутахассис стратегияси. Халқаро ривожланишнинг мақсади ва шакллари.

Ж.Ж.Ламбен услуги асосида фирманинг рақобатбардошлиги таҳлили. Рақобатбардошлик қобилиятини баҳолаш учун талаблар ва асосий маълумотлар. Персоналнинг рақобатбардошлигини баҳоловчи услуб. Бозор омиллари ва самарадорлик асосида товарнинг рақобатбардошлигини баҳоловчи услуб. 1111-5555 тизими бўйича товарнинг рақобатбардошлигини баҳолаш услуги. Фирманинг рақобатбардошлигини таҳлили ва уни баҳолаш услуги. Фирманинг барқарорлик фаолиятини баҳоланиши унинг келажакдаги рақобатбардошлик асоси.

Фирма стратегиясини шаклланиши

Маркетинг стратегиясининг концепция ва функцияси. Бозор сегментация стратегияси. Фирма стратегияси шакллантиришга ёндашув.

Фирма стратегиясини шаклланишида стратегик маркетинг асосий восита сифатида. Фирма шаклланишида турли ёндашувлар. Фирма стратегиясининг таркиби ва мазмуни. А.А.Томсон ва А. Дж қараши асосида фирма шароитига қараб стратегия турлари. Фирма халқаро фаолияти стратегияси. Фирма стратегиясини ишлаб чиқиш технологияси. Фирма стратегиясини ишлаб чиқишдаги ресурс, ахборот ҳуқуқий ва услубий таъминланганлиги. Фирма стратегиясининг уяли ташкил этиш, ишлаб чиқиш ва бажарилиш услублари.

Сифатини ошириш стратегияси

Сотув функцияси. Тарқатиш йўналишлари. Даллолар турлари. Тарқатиш каналлари конфигурацияси. Вертикал маркетинг тизимлари. Истеъмол товарлари турлари. Интенсив сотув. Сотув танлови. Киритиш стратегияси. Ўзига тортиш стратегияси. Савдо устамалари. Сотув харажатларини таққослаш. Сотув сектори муҳитини ўзгартириш. Дистрибьютерлар дифференциация стратегияси. Дўконларсиз маркетингни асослаш. Интерактив маркетинг тизимини киритиш. Билвосита экспорт. Бевосита экспорт. Ташқи бозорда ишлаб чиқариш.

Товар сифат кўрсаткичлари тизими. Бозорда товар сервис хизмати кўрсаткичлари сифат тизими. Товар сифатини оширишни башорат этиш стратегияси. Товар сифатини умумбошқарув концепцияси (TQM).

Нарх шакллантириш ва ресурс тежаш стратегияси

Нарх шакллантириш стратегияси турлари. Нарх белгилаш стратегияси. Бозорга мустаҳкам кириш стратегияси. Товарнинг ресурс таъминланганлик кўрсаткичлари турлари. Фирма фаолияти самарадорлик кўрсаткичлари. Ресурс тежамкорликка таъсир кўрсатувчи омиллар. Ресурс тежамкорлик стратегиясини танлаш.

Фирманинг ташкилий техник ва ижтимоий ривожланиш стратегияси

"Инновация" ва Илмий техник ривожланиш тушунчаларининг бир-биридан фарқи. И.Т.Р.нинг асосий йўналишлари. Ишлаб чиқаришнинг ташкилий-техник даражаси. ТТДнинг шажараси. Ишлаб чиқаришнинг ташкилий даражага таъсир этувчи омиллар. Ишлаб чиқаришнинг техник даражасига таъсир этувчи омиллар. Ишлаб чиқариш жараёнларининг ташкил этиш тамойиллари. Фирманинг техник сиёсати. Ижтимоий сиёсат. Фирманинг ташкилий-техник ривожланишнинг стратегик ва тактик масалалари.

Ходимларни бошқарув стратегиясини такомиллашуви

Ходимлар бошқаруви тамойиллари асослари. Шахснинг психологик портретининг таҳлили. Хулқ-атвор психологияси. Темперамент. Темперамент турлари. Характер. Қобилият. Йўналтирувчанлик. Интеллектуал. Ҳиссиётга берилиш. Муомала маданияти. Ўз-ўзини баҳолаш. Ходимларни бошқариш методлари. Меҳнатни ташкил қилишни такомиллашувига қўйиладиган талабларни шаклланиши.

Фирма стратегиясини бажарилишини ташкил этиш

Стратегик менежментнинг умумий тизими режаси. Стратегик режа аҳамияти. Стратегик миссия баёни. Мухитни жалб этувчанлик ташқи омилнинг таҳлили. Рақобатбардошлик таҳлили. Мақсадни шакллантириш. Стратегик йўл танлаш. Маркетинг бюджети. Стратегик режани мукамаллигини текшириш. Заифлик таҳлили. Фавқулоддаги муаммоларни режалаштириш.

Жараёнларни рационал ташкил этиш тамойиллари. Стратегияни бажарилиш ҳисоботи ва назорати. Стратегик натижаларга эришиш мотивацияси. Фирма стратегиясини шароитга қараб йўналтириш.

4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ РЎЙХАТИ

"Стратегик менежмент" фани бўйича кўргазмали амалий ўқув материаллари

- Стратегик менежмент концепцияси.
- Фирма ва товарнинг рақобатбардошлик таҳлили.
- Фирманинг ташкилий-техник ва ижтимоий ривожланиш стратегияси.
- Фирма стратегиясини бажаришни ташкил этиш.
- Нархни шакллантириш ва ресурс тежаш стратегияси.

Слайдлар рўйхати

- Стратегик бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш услубий асослари.

- Турли объектларнинг рақобатбардошлигини баҳолаш услубий асослари.
- Фирма стратегиясини шаклланиши.
- Сифатни ошириш стратегияси.
- Ходимлар бошқаруви стратегиясининг такомиллашуви.

Ахборот манбалари рўйхати

- Йиллик статистик маълумотлар.
- Корхона (фирма) ҳисоботлари.
- Тадбиркорлар уюшмаси ахборотлари.
- Биржа ахборотлари.
- Банк ахборотлари.
- Телевидение, радио янгиликлари.
- Акция курслари жадваллари.
- Воқеалар шарҳи.

5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

"Стратегик менежмент" фанидан назорат қилиш турлари қуйидагича

1. Фан учун белгиланган максимал балл - 76;
2. Фан учун саралаш бали - 42,6. Шу жумладан:

- жорий баҳолаш - 26,6 балл;
- оралик баҳолаш - 26,6 балл;
- якуний баҳолаш - 22,8 балл.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига ҳос йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1993.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. - Т.: Ўзбекистон 1995.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. - Т.: Ўзбекистон 1995.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т. 3. - Т.: Ўзбекистон 1996.
6. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. - Т.: Ўзбекистон 1996.

7. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби Т. 5. -Т.: Ўзбекистон 1996.
8. Каримов И.А. Замонавий Кадрлар-тараққиётимизнинг муҳим омилидир. Т. 6. - Т.: Ўзбекистон 1998.
9. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. - Т.: Ўзбекистон 1999.
10. Боумен К. Основы стратегического менеджмента. М.: ЮНИТИ. 1997.
11. Фатхутдинов Р.А. Стратегический менеджмент. Учебник. - М.: "Дело". 2001.

Қўшимча адабиётлар

1. Вихонский О.С., Наумов А.И. Менеджмент: человек, стратегия, организация, процесс. Учебник. - М.: Гардарика 1996.
2. Герчикова И.Н. Менеджмент. - М.: ЮНИТИ 1995.
3. Котлер Ф. Маркетинг, менежмент. Пер.с англ. Санкт-П., 1999.
4. Мескон М., Альберт М., Хидоури Ф. Основы менеджмента. - М.,1995.
5. Менеджмент систем качеств. Учеб. пос. - М.: "Стандарт" 1997.
6. Управление организацией. Учебник ИНФРА - М., 2000.
7. Фатхутдинов Р.А. Управленческие решения. Учебник. - М.: ИНФРА-М. 2001.
8. Фатхутдинов Р.А. Инновационный менежмент. Учеб. - М.: Интел-синтез. 2000.
9. Фатхутдинов Р.А. Организация производства. Учебник. - М.: ИНФРА-М. 2000.
10. Фатхутдинов Р.А. Конкурентоспособность: экономика, стратегия, управление. Учебник. - М.: ИНФРА-М. 2000.
11. Методические рекомендации по оценке эффективности инвестиционных проектов информ электро. - М.: Экономика 1994.
12. Мескон М.Х., Альберт М., Хидоури Ф. Основы менеджмента. Пер. с англ. - М.: Дело 1992.
13. Портер Международная М. конкуренция. Пер. с англ. под ред. Щетинина В.Д. - М.: Международные отношения. 1993.
14. Портфель конкуренции и управление финансами. Рубин Ю.Б. - М.: Соминтэк. 1996.
15. Томпсон А.А., Стрикленд А.Дж. Стратегический менежмент. Искусство разработки и реализации стратегии. Пер. с англ. под ред. П.Г.Зайцев, М.И.Соколовой. - М: Банки и биржи, ЮНИТИ. 1998.